

Сийрат дарслари (113-дарс). Набий алайҳиссалом «ҳайс» таомидан еганлари



13:00 / 04.12.2020 4173

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْلِ لَاصِلِ لَوَسَّرْنَا؛ هُنَّ عُلَلِ لِيَضَرَّ رِيْبًا نَعْتَدُ فُصُوْرًا لِبِأَبِ تَقُولُ وَعِيْنُ لِبِأَبِ تَحْتَفُ نَاصِمَرَّءِاجِ إِذِاقُ نِيْطَائِيْشِ لَ.

443. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Рамазон ойи кирганда жаннат эшиклари очилади, дўзах эшиклари ёпилади ва шайтонлар кишанланади»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни менга: **«Ҳой Оиша, ҳузурингизда бирор нарса борми?»** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, ҳузуримизда ҳеч нарса йўқ», дедик. **«Ундай бўлса, мен рўзадорман»**, дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқиб кетдилар. Шунда бизга ҳадя берилди ёки бизга зиёратчилар келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтиб келганларида: «Эй Аллоҳнинг Расули, бизга ҳадя қилинди ёки бизга зиёратчилар келди. Сизга бир нарса беркитиб қўйдим», дедим. **«У нима?»** дедилар. «Ҳайс», дедим.* **«Олиб кел»**, дедилар. Мен олиб келдим ва ундан едилар. Сўнгра: **«Эрталаб рўза тутган эдим»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Изоҳ: Ҳайс – арабларнинг хурмо, сариеғ, қурут ёки унни аралаштириб тайёрлайдиган таоми.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан